

Ўқув машғулотларини ташкил қилиш жараёнида дарсларни ўзлаштиришга табақалаштирилган ёндашув

АЛИШЕР ЭРГАШЕВИЧ ЭРНАЗАРОВ

alexchigatay1213@gmail.com

Бунда қуйидаги омилларга эътиборни қаратган маъқул: талабалар-нинг дарсда эгаллаши лозим бўлган ахборотлар ҳажмининг кескин ортиб бориши. Бу вазиятда таълим самарадорлигини сақлаб қолиш ва ошириш учун ҳар бир талабанинг эҳтиёжларига кўпроқ жавоб бериладиган ахборотларни бериш лозим бўлади. Бир дарснинг ўзида ҳар бир талабага алоҳида ёндашиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги туфайли ушбу ўринда табақалаштириш асосида талабаларни гуруҳларга ажратиш лозим. Талабаларнинг билим даражалари ўртасидаги фарқнинг ортиб бориши. Бугунги кундаги фан, техника ва технологияларнинг тараққиёти турли талабаларда ўзининг турлича инъикосини топмоқда.

Мисол учун, бир гуруҳнинг ўзида компьютерда бажариш учун бериладиган топшириқ бир гуруҳ талабаларда шаклланган билим ва кўникмаларга асосланса, иккинчи бир гуруҳлар компьютер техникаси тўғрисида дастлабки тушунчаларгагина эга бўлади. Бу вазиятда талабаларнинг ҳар бир гуруҳи билан алоҳида иш олиб бориш талаб этилади; талабалар эгаллаши лозим бўлган касблар ихтисослашувининг кучайиб бориши, барча соҳаларда юз бераётган туб янгиланишлар, ўз навбатида унинг эҳтиёжига жавоб берувчи касбларнинг тармоқланиб, ихтисослашиб боришига олиб келмоқда. Бу жараённинг ўзига хослиги яна шундан иборатки, бир касб соҳасининг ўзида юзага келаётган ихтисосликлар бир-биридан жиддий фарқ қилувчи билим ва кўникмаларни талаб қилмоқда. Шу сабабли талабаларни келажак касбий фаолиятга тайёрлаб бориш жараёни самарадорлигини ошириш учун табақалаштириб ўқитиш зарур.

Табақалаштириш турлари.

Биринчи тури. Талабалар икки гуруҳга бўлинадилар. 1. Бўш ўзлаштирувчилардан ташкил этилган гуруҳ. 2. Ўртача ва яхши ўзлаштирувчилардан ташкил топган гуруҳ.

Иккинчи тури. Талабалар икки гуруҳга бўлинадилар. 1. Гуруҳдаги қобилиятлилардан ташкил топган гуруҳ. 2. Ўртача ва бўш ўзлаштирувчи талабалардан ташкил топган гуруҳ.

Учинчи тури. Талабалардан ташкил этиладиган гуруҳлар сони уларнинг ташхис асосида аниқланган қобилиятларига қараб уч, тўрт, бешта бўлиши ҳам мумкин.

Тўртинчи тури. Талабалар билан индивидуал ишлашга қаратилган бўлиб, бунда педагог алоҳида-алоҳида режалар асосида ҳар бири билан машғулотлар олиб боради.

Педагогик назария ва амалиётда кўпчилик мутахассислар табақалаштириб ўқитишда талабаларни уч гуруҳга ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар, у бўш, ўртача ва яхши ўзлаштирувчилар гуруҳлардан ташкил топади. Табақалаштиришнинг бу турида талабалар энг юқори, яхши, ўрта, ёмон ва жуда ёмон ўзлаштирувчилардан ташкил топиши ҳам мумкин.

Табақалаштирилган дарсларнинг ўзига хос жиҳатлари. Табақалаштирилган дарс ўқув дастури ва унинг талабаларига мувофиқ олиб борилади. Фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишига асосий эътибор қаратилади. Табақалаштирилган дарс хусусиятидан келиб чиқиб, ўқув муассаси ёки маълум гуруҳ хонаси жиҳозланади, ўқув қуроллари билан



таъминланади, ўқув-методик мажмуалар дарслик, қўлланма ёки ишланма-ларнинг етарли бўлишига аҳамият берилади.

Дарс дастурига мувофиқ фаолият олиб бораётган таълим муассасаси талаблар асосида танлаб олинган талабалар билан тўлдирилади. Дарс асосида фаолият юритувчи таълим муассасаси махсус ишлаб чиқилган мезонларга асосан педагогик маҳорат, мутахассислик ва психологик билимларни чуқур ўзлаштирган, тажрибага эга бўлган мутахассислар жалб этилади. Дарсни ташкил этиш учун ажратилган вақт ҳажми ихтисослик асосларини чуқур ўзлаштириш учун ажратилади. Дарснинг ноанъанавий шаклларда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ саналади.

Дарсда паст ўзлаштирувчи талабалар билан ишлашга эътибор берилади. Уларнинг ўзлаштира олмаётганига билими ва кўникмаларидаги камчиликлар сабаб бўлиши мумкин. Аввало ушбу сабабни аниқлаш керак, кўпинча бундай сабаблар: талабанинг материал устида мустақил ишлашни билмаслиги, ўз кучига ишонмаслиги туфайли ўқишга бўлган қизиқишининг сўниши, бошқа фаолият турига ҳаддан ташқари берилиши, касаллиги, дангасалиги кабилар бўлиши мумкин. Шундан кейин талабаларга бу сабабларни йўқотишга ёрдам берадиган чоралари кўрилади.

Паст ўзлаштирувчи талабалар билан ишлашда топшириқлардан, уларга дарсдан ташқари вақтларда консультациялар, гуруҳ ва кўшимча дарс тарзида ёрдам кўрсатишдан фойдаланилади. Бунда ўқув мақсадларига эриша олмаган талабаларни алоҳида гуруҳларга ажратиб, айнан шу тўла ўзлаштирамаган ўқув мақсадларини ўзлаштириш бўйича кўшимча дарс ва мустақил таълим ташкил қилинади.

Ўқув мақсади қўйилгандан кейин шу мақсадни амалга ошириш учун фаннинг мазмуни қандай бўлиши керак, яъни назарий ва амалий машғулотлар мазмуни қисқача баён этилади.

Ўқув машғулотларини ташкил этиш жараёнида дарсларни ўзлаштиришга дифференциал ёндашув ўқувчиларнинг турли эҳтиёжлари ва қобилиятларига қараб ўрганишнинг индивидуал ва гуруҳли мақсадлилигини назарда тутати.

Дарс фаолиятидаги фарқлашнинг асосий тамойиллари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Турли хил таълим усуллари: ўқувчиларнинг индивидуал эҳтиёжлари ва таълим услубларини кондиритиш учун турли ёндашувлар, стратегиялар ва усуллардан фойдаланиш.

2. Индивидуал топшириқлар: Ҳар бир ўқувчига ўз маҳорат даражаси ва қобилиятига мос бўлган топшириқлар бериш, ҳар бир ўқувчи ўз суръатида муваффақиятга эришиши мумкин.

3. Мослашувчан гуруҳлаш: қизиқишлари ва қобилиятлари ўхшаш бўлган ўқувчилар гуруҳларини шакллантириш, улар билан торроқ доирада ишлаш ва топшириқни янада аниқроқ мослаштиришни таъминлаш имконини беради.

4. Индивидуал маслаҳат: саволларга жавоб бериш, материални аниқлаштириш ёки қийин мавзуларни тушунишга ёрдам бериш учун талабалар билан индивидуал маслаҳатлашиш учун вақт ажратинг.

5. Турли материаллар ва ресурслардан фойдаланиш: Мавзуни кўшимча ўрганиш ва чуқурроқ ўрганиш учун турли хил материаллар, китоблар, журналлар, видеолар ва интерактив онлайн ресурсларни тақдим этинг.

Дарсни ташкил этишга табақалаштирилган ёндашув ҳар бир талабанинг эҳтиёжлари ва манфаатларини кондиритишга ёрдам беради, янада қулай ва тақсимланган таълим муҳитини яратати. Бу материални яхшироқ тушуниш ва ўзлаштиришга ёрдам беради, ўқувчиларнинг мотивацияси ва фаоллигини оширади, шунингдек, уларнинг индивидуал қобилиятлари ва ижодкорлигини ривожлантиришга имкон беради.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ergashevich, E. A. (2024). OTMLARDA O'QUV MASHG'ULOTLARINI TASHKIL ETISHDA JARAYONIDA QO'LLANILADIGAN BA'ZI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR. *JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE*, 3(1), 279-285.
2. Ergashevich, E. A., & Mado, A. (2024). Methodology of Organizing and Implementing Training Activities. *Academia Open*, 9(1), 10-21070.
3. Ergashevich, E. A., & Nilufar, A. (2024). MA'LUMOTLARNI TARMOQLI QAYTA ISHLASH TEXNOLOGIYALARI. *Miasto Przyszłości*, 44, 170-173.
4. Эрнazarов, А. Э. (2024). OTMLARDA INNOVASION O'QUV MASHG'ULOTINI BOSHQARISH FUNKSIYALARI MODELI, SHAKLLARI VA LOYIHALASH BOSQICHLARI. *JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE*, 3(1), 173-180.
5. Ergashevich, E. A. (2024). O'QUV MASHG'ULOTLARI JARAYONIDA PEDAGOGIK MAQSADLARNI ANIQLASHDA BLUM TAKSOMANIYASINING O'RNI. *JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE*, 3(1), 263-270.
6. Ergashevich, E. A. (2024). PEDAGOGNING O'QUV MASHG'ULOTIGA TAYYORGARLIK BOCQICHLARI VA O'QUV MASHG'ULOTI TURLARI. *JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE*, 3(1), 314-321.
7. Ergashevich, E. A. (2024). OTMLARDA O'QUV MASHG'ULOTLARI VAZIFALARNI SHAKLLANTIRISH NATIJACIDA HAL ETILUVCHI PEDAGOGIK VAZIFALAR. *JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE*, 3(1), 251-262.
8. Ergashevich, E. A. (2024). OTMLARDA O'QUV MASHG'ULOTLARINI TASHKIL ETISHDA TALABALAR FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISH VA ZAMONAVIY O'QITISH TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH. *JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE*, 3(1), 292-297.
9. Ergashevich, E. A. (2024). ZAMONAVIY O'QUV MASHG'ULOTINING TUZILISHI, ELEMENTLARI, TIPI VA TURLARI. *JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE*, 3(1), 298-305.
10. Ergashevich, E. A. (2024). NAMUNAVIY O'QUV MASHG'ULOTI TUZILISHI VA UNGA QUYILADIGAN ZAMONAVIY TALABLAR. *JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE*, 3(1), 306-313.

